

**“Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг қарори**

Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 38-уй.

2021 йил 30 июнь
соат 17:00

“Дехқонобод калий заводи” АЖ томонидан муомалага чиқарилган 2 301 392 924 315 (икки триллион уч юз бир миллиард уч юз тўқсон икки миллион тўққиз юз йигирма тўрт минг уч юз ўн беш) дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акция пакети жамият ягона акциядори – “Ўзкимёсаноат” АЖга тегишли бўлганлиги сабабли кворум 100 фоизни ташкил қилади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 58-моддаси ва жамият Уставига мувофиқ 2021 йилнинг 6 июль куни яқка тартибда қабул қилинди ва ёзма шаклда расмийлаштирилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши бўйича жамият бошқарувининг ҳисоботини кўриб чиқиш ва жамиятнинг 2020 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида *(ҳисобот илова қилинади)*.

Биринчи масала юзасидан қарор қилинди (2 301 392 924 315 дона овоз, 100 %):

1.1. “Дехқонобод калий заводи” АЖ бошқарувининг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқуни бўйича йиллик ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

1.2. Жамият Бошқарув раисининг Жамиятнинг 2020 йил фаолияти яқунлари бўйича тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши паст даражада деб ҳисоблансин.

1.3. “Дехқонобод калий заводи” АЖнинг 2020 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноат ва ахборот технологиялари соҳасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича биринчи ўринбосарининг 2020 йил яқунлари бўйича бажарган ишлари ҳисоботи ҳамда 2021 йилда маҳаллийлаштириш бўйича стратегик режаларини кўриб чиқиш *(ҳисобот илова қилинади)*.

Иккинчи масала юзасидан қарор қилинди (2 301 392 924 315 дона овоз, 100 %):

2.1. Жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноат ва ахборот технологиялари соҳасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича биринчи ўринбосарининг 2020 йил яқунлари бўйича бажарилган ишлар тўғрисида ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ҳамда 2021 йилда маҳаллийлаштириш бўйича стратегик режалари маъқуллансин.

2.2. Жамият бошқарув раисининг биринчи ўринбосари 2021 йилда маҳаллийлаштириш бўйича белгиланган стратегик режаларни бажарилиши бўйича шахсан жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Жамият Кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича 2020 йил давомида кўрилган чора-тадбирлар

тўғрисидаги жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботини кўриб чиқиш тўғрисида (ҳисобот илова қилинади).

Учинчи масала юзасидан қарор қилинди (2 301 392 924 315 дона овоз, 100 %):

3.1. “Дехқонобод калий заводи” АЖ Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан 2020 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи маъқуллансин.

4. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2020 йил яқунлари бўйича жамият томонидан тузилган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги хулосасини кўриб чиқиш тўғрисида (хулоса илова қилинади).

Тўртинчи масала юзасидан қарор қилинди (2 301 392 924 315 дона овоз, 100 %):

4.1. “Дехқонобод калий заводи” АЖ Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан 2020 йил яқунлари бўйича йиллик хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

4.2. Жамият тафтишчисининг хулосасидаги тавсиялар Жамият ижроия органи томонидан бажариш учун қабул қилинсин.

5. Жамият фаолиятининг 2020 йил яқунлари бўйича мустақил аудиторлик ташкилотининг хулосаларини кўриб чиқиш тўғрисида (хулоса илова қилинади).

Бешинчи масала юзасидан қарор қилинди (2 301 392 924 315 дона овоз, 100 %):

5.1. “Дехқонобод калий заводи” АЖнинг 2020 йилдаги молиявий - хўжалик фаолияти яқунлари бўйича “ZAMIN OIL-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2021 йил 24 апрелдаги молиявий ҳисоботнинг Миллий стандартларига мувофиқ берилган аудит хулосаси маълумот учун қабул қилинсин (илова қилинади).

6. Жамиятнинг 2020 йил яқуни билан олинган соф фойдасини тақсимлаш, дивиденд миқдори, шакли, тартиби ва тўлаш муддатини аниқлаш тўғрисида.

Олтинчи масала юзасидан қарор қилинди (2 301 392 924 315 дона овоз, 100 %):

6.1. “Дехқонобод калий заводи” АЖ томонидан 2020 йилда 1 283 810 177,86 сўм миқдорда соф фойда кўрилганлиги маълумот учун қабул қилинсин ва ушбу соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

- захира фондини шакллантириш учун – 64 190 508,89 сўм (5%);
- дивиденд тўлови учун – 64 190 508,89 сўм (5%), шунга кўра, 1 дона акция учун дивиденд миқдори 0,000028 сўм;
- жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтириш орқали жамиятни ривожлантиришга – 1 014 210 040,00 сўм (79%);
- инновацион фаолиятни қўллаб – қувватлаш жамғармаси учун – 128 381 018,30 сўм (10%);
- меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини шакллантириш учун – 12 838 101,78 сўм (1%).

6.2. Ҳисобланган дивидендлар 2021 йил 30 июндан 28 августгача Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида пул маблағлари билан тўлансин.

6.3. “Дехқонобод калий заводи” АЖ бошқарув раиси (О. Курбонов) жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилиш билан боғлиқ тегишли ҳужжатларни расмийлаштирсин ва ягона акциядор муҳокамасига киритсин.

7. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши кутилаётган битимларини тасдиқлаш тўғрисида.

Еттинчи масала юзасидан қарор қилинди (2 301 392 924 315 дона овоз, 100 %):

7.1. “Дехқонобод калий заводи” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича ягона акциядорнинг навбатдаги қароригача бўлган даврда аффилланган шахслари билан тузилиши кутилаётган битимлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш тўғрисида.

Саккизинчи масала юзасидан қарор қилинди (2 301 392 924 315 дона овоз, 100 %):

8.1. Мустақил баҳоловчи «Premium Finance» МЧЖ томонидан 2021 йил 17 февралда берилган 13-сон хулосага асосан Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими 2020 йил якунлари ҳолатига максимал 1200 баллдан 263 баллга ёки **21,92 фоизга** баҳолангани ва «қоникарли» деб топилганлиги маълумот учун қабул қилинсин (*хулоса илова қилинади*).

8.2. Жамият Бошқарув раиси (Қурбонов) ўрнатилган тартибда:

- жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимидаги камчиликларни бартараф қилиш бўйича «Premium Finance» МЧЖ тавсияларига асосан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб тасдиқласин ва уни амалга оширилишини назорат қилсин;

- жамият Кузатув кенгашига мустақил аъзо киритиш ва корпоратив маслаҳатчини ёллаш мақсадида Жамият сайтида тегишли эълонлар берилсин;

- бажарилган ишлар юзасидан жамият Кузатув кенгашига тегишли маълумот киритсин.

9. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари ҳамда тафтиш комиссияси таркибини қайта кўриб чиқиш тўғрисида.

Тўққизинчи масала юзасидан қарор қилинди (2 301 392 924 315 дона овоз, 100 %):

9.1. “Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2021 йил 31 мартдаги 06-1221-сон хатига асосан “Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзолари ва тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин (*хат илова қилинади*).

Т/р	Ф.И.Ш	Мансаб вазифаси
1.	Сохибов Ботир Гофурович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси;
2.	Темиров Одил Шукурович	“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари;
3.	Коржиков Евгений Александрович	“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раисининг инвестициялар ва инновациялар бўйича ўринбосари;
4.	Рахимов Жамолитдин Камолитдинович	“Ўзкимёсаноат” АЖ “Иқтисод ва бизнес режалаштириш департаменти” бош мутахассиси;
5.	Абдуллаев Собиржон Абдурашидович	“Ўзкимёсаноат” АЖ “Корпоратив муносабатлар бошқармаси” бош мутахассиси.

Шундан: тафтиш комиссияси таркиби:

Т/р	Ф.И.Ш	Мансаб вазифаси
1.	Алимова Зилия Тахирджановна	“Ўзкимёсаноат” АЖ “Ички аудит хизмати” бошлиғи.

10. Жамиятнинг ижроия органи аъзолари меҳнат шартномаларини, 2020 йил якуни муносабати билан навбатдаги умумий йиғилишга қадар узайтириш тўғрисида.

Ўнинчи масала юзасидан қарор қилинди (2 301 392 924 315 дона овоз, 100 %):

10.1. “Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамиятининг қуйидаги ижроия органи аъзолари меҳнат шартномалари бир йил муддатга (шартномаларни амал қилиш муддати - 2022 йил 01 июль кунига қадар) узайтирилсин:

Т/р	Ф.И.Ш	Мансаб вазифаси
1.	Қурбонов Ойбек Абдусатторович	“Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти бошқарув раиси
2.	Бойназаров Баҳодир Тангирович	“Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноат ва ахборот технологиялари соҳасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича биринчи ўринбосари
3.	Жанқўзиев Баҳодир Арабович	“Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти бошқарув раисининг транспорт ва логистика масалалари бўйича ўринбосари

10.2. “Ўзкимёсаноат” АЖ Ходимлар билан ишлаш бўлими (Арипов) ўрнатилган тартибда “Дехқонобод калий заводи” АЖ бошқарув раиси ва аъзолари билан меҳнат шартномаларини расмийлаштирсин.

10.3. Жамият номидан бошқарув раиси ва аъзолари билан меҳнат шартномасини (шартномаларни амал қилиш муддати - 2022 йил 01 июль кунига қадар) имзолаш ваколоти ягона акциядор – “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув раиси Ж.Т. Мирзамахмудовга берилсин.

11. “Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти бошқарув аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш ҳамда бошқарув ва назорат органларига тўланадиган рағбатлантириш ва компенсациялар тўғрисидаги Низом лойиҳасини кўриб чиқиш тўғрисида (лойиҳа илова қилинади).

Ўн биринчи масала юзасидан қарор қилинди (2 301 392 924 315 дона овоз, 100 %):

11.1. “Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти бошқарув аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш ҳамда бошқарув ва назорат органларига тўланадиган рағбатлантириш ва компенсациялар тўғрисида”ги Низомни янги таҳрирда 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу қарор икки нусхада 2021 йил “6” июль кунини расмийлаштирилди.

“Ўзкимёсаноат” АЖ
бошқарув раиси



Ж.Т. Мирзамахмудов